



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТЕХНИКА ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛТЕТИ
“КАСБИЙ ТАЪЛИМ” КАФЕДРАСИ
“КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ” ФАНИДАН
*Ишлаб чиқариш таълими бўйича дарс ўтиш методикасини
ишлаб чиқиш.*

МАВЗУСИДАГИ

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: 5111000 - Касб таълими:
кимёвий технология таълим йўналиши
3-курс талабаси
Ибрагимов У.
ҚАБУЛ ҚИЛДИ:



ТЕРМИЗ–2014

Ишлаб чиқариш таълими бўйича дарс ўтиш методикасини ишлаб чиқиш.

Режа:

Кириш.

Асосий қисм.

1-§. Касб ҳунар коллежларида малакали ишчиларни тайёрлаш.

2-§. Ишлаб чиқариш таълими тизими.

3-§. Ишлаб чиқариш таълими жараёни.

4-§. Ўқув устахоналарида ўқитиш.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Албатта, секин-асталик билан бўлсада, таълим жараёнига қатор янги педагогик технологиялар татбиқ этилмоқда. Бироқ, бу борада ҳали ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча муҳим муаммолар борки, улар педагогик олимларимизнинг зиммасига улкан масъулиятлар юклайди.

Ҳозирда ўқитувчиларнинг юқори касбий тайёргарликка, педагогик маҳоратга, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, мафкура борасида чуқур билимларга эга бўлиши, таълим-тарбия ишларида замонавий педагогик технологиялар, усуллардан самарали фойдаланиши давр талаби ҳисобланади. Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, билимли, юксак маънавиятли, баркамол, ватанпарвар шахслар бўлиб етишишини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг энг асосий бўғини сифатида педагог ходимларнинг юқори илмий, методик билимларга ҳамда амалий ишлаш бўйича юксак маҳоратга эга бўлишларини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш кўп босқичли ўқув тизимида ўтиш, малакали бакалаврлар тайёрлаш олий ва ўрта таълим тизимида ишлаётган профессор-ўқитувчилар зиммасига улкан масъулиятли вазифаларни юклайди.

Курс ишимизнинг долзарблиги шундаки, ишлаб чиқариш таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш ҳамда ихтисослик фанларини ўқитишнинг мақсад ва мазмунини белгилаб олишни назарда тутди.

Курс иши кириш, тўрт қисмдан, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

Курс ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, иш объекти ва предмети, ишнинг методлари ҳамда ишдаги янгиликлар ёритилган.

Мавзунинг биринчи бандида ўқувчилар қобилиятини шакллантиришнинг асослари ёритилган, иккинчи бандида ўқувчилар ижодкорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва умумий назарий масалалари ёритилган, учунчи бандида касб-хунар таълимида ўқитишга ижодий ёндошиш усуллари ишлаб чиқилган, тўртинчи бандида ўқувчилар ижодкорлигининг ривожланиш йўналишлари ва асосий босқичлари таҳлили берилган, бешинчи бандида ўқувчининг техник ижодкорлик қобилияти, олтинчи бандида эса билиш жараёнлари ва касбий таълим самарадорлиги ёритиб берилган.

Янги техника ва технологияларни ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қобилятли, қабул қилинаётган қарорларга онгли муносабатда бўладиган ва жавобгарлик ҳиссини сеза оладиган ижодий фаол, малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашлаш муоммосининг долзарблиги курс ишимиз мавзусини “ Касбий методик малакаларни шакллантириш технологияси” деб номлашга асос бўлди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб курс ишимизнинг қуйидаги мақсад ва вазифаларини белгилаб олдик:

Курс ишимизнинг мақсади. Ўқувчиларни касбий таълим соҳасига оид баҳс ва мунозаралар ўтказиш бўйича ижодкорлик фаолияти сифатларини шакллантиришдан иборат.

Курс ишининг вазифалари:

1. Мавзуга доир ўқув адабиётларни тўплаш, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
2. Касб хунар таълими тизимида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик фаолиятига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш;

1-§. Касб ҳунар коллежларида малакали ишчиларни тайёрлаш.

Аниклаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари)

- Касб – ҳунар, мутахассислик ва малака ҳақидаги тушунчани ифодалай олади.
- Техника ривожланиш таъсирида ишчилар касбий таркибининг ўзгаришини таҳлил қилади.
- Касбларнинг гуруҳланишини тушунади, касблар рўйхатини гуруҳланишлари бўйича тушунтиради.
- Ҳунар – техника таълимини бошқариш схемасини чизади.

Касб – ҳунар, мутахассислик ва малака ҳақида тушунча.

Илмий техника инкилоби шароитида меҳнатнинг бўлиниши фан ютуқлари ва замонавий техника базасида кечади. Буларнинг ҳаммаси ишчи синфи юқори малака структурасининг жиддий ўзгаришига олиб келади. Ишнинг бажарилиш функцияларининг технологик жараёнларни бошқариш функцияси билан боғлаб олиб борадиган ва назоратчилик функцияларини амалга оширадиган ишчилар сони усади. Буларнинг ҳаммаси юксак профессионал тайёргарликни талаб қилади.

Касб ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида киши томонидан билим, малака ва кўникмаларни кўллашнинг кенг микёсини қамраб олувчи доимий меҳнат фаолиятининг бир туридир. Бу фаолиятнинг бир мазмуни ишлаб чиқаришда белгиланган меҳнатнинг бўлиниши чилангар, тракторист, токаръ, дурадгор кабилар билан белгиланади.

Касблар қаторида меҳнат тақсимотининг натижаси бўлмиш алоҳида мутахассисликлар ажралиб туради. Мутахассислик меҳнатдагига нисбатан тор соҳадаги ишларни ўз ичига олувчи ривожланган фаолиятнинг хилма-хил туридир. Масалан: чилангарлик касбининг хилма-хиллиги: чилангар асбобсиз, чилангар-йигувчи, чилангар-таъмирчи, каби ҳам турли қурилишларга эгадир.

Ишчилар мутахассислиги меҳнат куруллари нинг кулланиши ва меҳнат усулларига, меҳнат маҳсулотларига (асбоблар тайёрлаш, машина таъмири ва бошқалар) қараб белгиланади.

Қасб ёки мутахассисликни турли ҳилда эгаллаш мумкин. Ишчининг у ёки бу меҳнат фаолиятидаги тури ва қуринишига тайёргарлик даражаси малака дебаталади. Малака уз навбатида разрядлар ва (класслар) синфлар билан белгиланади.

Қасбларни гуруҳланиши ва қасблар рўйхати.

Ишларнинг қулами ва ҳилма–ҳиллигига қура ишчи қасблари уч турга бўлинади:

1. Турли ишлар ва бир турда жихозланган иш жойида бажариладиган операциялар билан боғлиқ бўлган қасблар, масалан: ягона ёки майда серияли ишлаб чиқариш шароитида ишловчи тоқарь.
2. Махсус жихозларга хизмат қурсатиш ёки доираси чегараланган иш бажариш билан боғлиқ бўлган майда ихтисосдаги қасблар: электромонтёрлар, бульдозерчи, стерженчи.
3. Тор ихтисосли қасблар (операцион), яъни махсулот тайёрлашнинг умумий жараёнида бирдан ортик иш жараёнини бажариши.

Қасблар кулланиладиган иш қурулига қура фаркланади. Қасблар ҳалқ хўжалигининг бирор соҳасига мансублигига қараб, соҳали ва соҳалараро қасбларга бўлинади. Соҳали қасблар ҳалқ хўжалигининг муайян соҳаси билан боғлиқдир. Масалан: тўқувчи, йигирувчи – туқимачилик саноати билан, электромонтёр билан электр машиналарининг автоматчиси–изошрофқачи, статорлар ва роторлар обмотқачиси–электротехника саноати ва ҳоқазолар билан боғлиқдир.

Иш вақтини ихтисод қилиш ва иш унумини ошириш имқонини берадиган аралаш қасблар тобора кўпроқ тарқалмоқда. Бу қасблардаги ишчилар бир ёки янги иккинчи қасб доирасида аралаш ихтисосларни эгалламоқдалар. Аралаш қасблар қурилиш, урмон нефть саноатида қишлоқ хўжалигида кўпроқ тарқалди.

2-§. Ишлаб чиқариш таълими тизими.

Ишлаб чиқариш таълими тизими деб кўникма ва меҳнат малакаларини тугри таркиб топишини касбий фаолиятга мувофик таёрлашни таъминлайдиган ўқув материалининг мақсадга мувофик тузилишига, уни ташкил этиш ва изчиллигига айтилади

Ишлаб чиқариш таълими (системаси) тизими ишлаб чиқаришнинг, ижтимоий муносабатлар ва талим тизимининг ривожланиши билан узгаради.

Турли вақтларда ишчиларни касбий жихатдан тайёрлашда ишлаб чиқариш таълимининг тизимлари қулланилади: маҳсулот тизими, операция тизими, операция ва фан тизими, мотор машк тизими, операция комплекс тизим.

Маҳсулот тизими ишлаб чиқариш тизимларининг энг биринчиларидан бўлиб, у шогирдлик касби мактаб амалиётидаёқ қулланилган эди. Маҳсулот тизимининг моҳияти шундаки, ўқувчи буюмларни изчил равишда муайян миқдорда бутун мураккаблиги билан бошдан охиригача тайёрлайди, фан тизими сиртдан қараганда қизиқ туюлади, чунки ўқувчилар ўқишнинг дастлабки қунлариданок маҳсулот ишлаб чиқара бошлайдилар. Маҳсулот тизимида ўқувчилар касблари бўйича иш усуллари ва операцияларни бажариш жараёнида элементар кўникмаларга эга бўла олмайдилар. Бундан ташқари мазкур тизим ўқувчиларни тегишли ихтисос бўйича билим, малака ва кўникмалар билан тўлиқ ҳажмда қуроллантириш имконини бермайди, ундан фойдаланишда дидактиканинг асосий принципларига амал қилинмайди. Ўқув дастури тизим имкони, шунингдек ишлаб чиқариш ва назарий таълимнинг узаро алоқаси бўлмайди.

Ишлаб чиқариш техникасининг ривожланиши билан ишчини таёрлашга эмас балки алоҳида энг оддий операцияларни бажаришга ургатишни зарурат талаб қилса улар буни ҳар қандай буюмни таёрлашда қуллай олсинлар. Маҳсулот тизими уз узини ривожланганроқ бўлган операция тизимига бўшатиб беради.

Операция тизими меҳнат жараёнининг операцияларга бўлиниши ишлаб чиқаришда кенг қулланилгандан кейин пайдо бўлади.

1868-йилда Москва олий техника билим юртида ишлаб чиқаришнинг операция тизими ишлаб чиқарилди. Бу тизимни ижодкорлари инженер А.К.Совткин. 2- В. П. Марков ва бошқалар эди.

Москва олий техника билим юртида ишлаб чиқариш таълими икки босқичда олиб борилди; биринчи босқичда ўқувчиларни ўқув устахоналарида операцияларни эгаллашда фойдаланилса иккинчи босқичда ўқувчилардан товар маҳсулоти тайёрлашда ишлатиладиган билим юртига қарашли заводда фойдаланилар эди.

Операция тизимининг жорий этиши билан меҳнат операциялар-ининг ушиб боровчи мураккаб жойлашуви таълим тизимида ишлаб чиқаришнинг илмийлиги ва ўқув дастурларини яратиш таълим фронталлиги назарий ҳамда ишлаб чиқариш талимининг узаро алоқаси ўқувчиларнинг ишлаб чиқаришда олинган ихтисоси бўйича саноатнинг исталган соҳасида ишлашга тайёрлиги каби масалалар ҳал қилинади. лекин операция тизимида ҳам узига хос камчиликлар борлиги сезилиб қолди.

Чунончи; устахоналарда операцияларга ургатилаётганда истеъмол қиймати бўлмаган предметлар фойдаланилар эди. ўқувчилар товар маҳсулоти тайёрлашга факат заводда қиришардилар. Бундай тартиб ўқувчиларда биринчи босқичдаги ишлаб чиқариш таълимига бўлган қизиқишни қамайтиради.

Завод маҳсулотининг номенклатураси бозор эҳтиёжларига бог-лик бўлиб, қупинча заводнинг биринчи иш қунидан бошлаб мураккаб предметлар ишлаб чиқаришга тугри келар эди. Бу дидактик принципларнинг бўзилиши бўлиб, таълим жараёнида педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ режалаштириш ва утқизиш имконини бермади.

Ўқувчиларга бирлаштирилган тизим бўйича ишлаб чиқариш таълими бериш, одатда ихтисосга доир муҳим усул ҳамда операция-ларни узлаштиришдан бошланар, сунгра буюмни тайёрлаш жараёни-да меҳнат унуми ва ишнинг мураккаблиги ошар эди.

3-§. Ишлаб чиқариш таълими жараёни.

Замонавий ишлаб чиқаришнинг малакали ишчилар тайёрлаш ишига талаблари.

Техникани ривожланиши ишчини келажакда ҳам малака талаб қиладиган ишларни бажаришдан озод қилиш учун база яратади, дастур тузиш, технологик жараёнлар режимини ишлаб чиқиш ва унинг боришини назорат қилиш функцияларини кенгайтиради. (дастурли машина ва механизмлар). Замонавий ишчи мураккаб технологик ва техник масалаларни анализ қилиб, ҳал эта олиш малакасига эга бўлиши зарур. Техника прогресси туфайли юзага келган ўзгаришлар ақлий ва жисмоний меҳнатнинг қушилиб кетиши учун асос бўла олади.

Бу талаблар корхоналарни малакали ишчи кадрлар билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланган касб–ҳунар таълими давлат тизимининг олдига мураккаб ва масъулиятли талаблар қуйди. Булажак ёш ишчилар касб–ҳунар коллежида ўқиш давомида зарур билим, малака ва кўникмалар олишлари, янги техника ва технологияни ўзлаштиришлари, меҳнат қилишнинг илгор, самарали усул ва йулларини эгаллашлари, сифати замонавий талабларга жавоб бера олувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни урганишлари лозим.

Касб–ҳунар коллежи педагоглари жамоаси ўқувчиларни юксак гоъвий ва маънавий, маърифий ахлоқлилик руҳида тарбиялашга, уларда меҳнатга муносабатни шакллантириш, меҳнат ижтимоий – сиёсий активликни ривожлантириш, уларнинг маданий камолати ва жисмоний ўсиши ҳақида ғамхурлик қилишга даъват қилинган.

Назарий ва ишлаб чиқариш таълими.

Касб–ҳунар коллежларида таълим жараёни нисбатан мураккаб, аммо ўзаро алоқада бўлган, қисмларга бўлинади. Назарий ва ишлаб чиқариш таълими (амалий). Таълим жараёни (мастер) уста, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади.

Назарий таълим ўқувчиларни билимлар тизими билан куроллантиришга қаратилган. Бунда етакчи роль уқитувчига тегишлидир. Уқитувчи ўқув дастурига мувофиқ, ўқув фани материалининг мазмунини баён қилади, ўқувчилар тасаввур ва тушунчаларни шакллантиради ҳамда бойитади, ўқувчиларнинг ўқув Машғулотларига раҳбарлик қилади, улар билими ва бажарган ишларни текшириб баҳолайди.

Ишлаб чиқариш таълими ўқувчиларни муайян меҳнат жараёнларини бевосита амалга оширишга тайёрлаш, яъни уларнинг билимларини амалиётда қўллашга ургатиш, малака ва кўникмаларни шакллантириш вазифасини қўяди. Меҳнат фаолиятида оддий бир ишчигина бажаришга йуналтирган вазифанинг ҳар бир элементи меҳнат ҳаракати дейилади. Технологик жараённинг бир типдаги асбоблар, мосламалар ва меҳнат усуллари қўшиб олиб бориши орқали тугалланган қисми меҳнат операцияси деб аталади. Ишлаб чиқариш таълимида операция тушунчаси (ўқув операцияси), саноатнинг айрим операциялари деганда бир иш урнида амалга ошириладиган бир деталь устида (ёки деталлар группаси) то кейинги деталлар группаси деталларини ишлашгача бўлган технологик жараён қисман тушунилади.

Технологик жараёнлар мазмуни бундай ҳолларда ишлаб чиқаришда қабул қилиниб ташкил этилишига қараб ўзгаради, бу вақтда улар барча ўқув операциялари қаби муайян касб учун бир типли бўладилар.

Ҳар бир меҳнат операцияси меҳнат усуллари ва усуллари бирга қўшиб олиб борилиши ёрдамида бажарилади. Тракторни бажариладиган иш теппосига келтириш ва тракторни юргизиш ва ҳоказо.

Назарий ишлаб чиқариш таълими вазифаларининг бўлиниши шартли характерга эга, чунки назарий таълимда билимларни амалиётда қўллашга қўш эътибор берилади.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида олинган билимлар назарий таълимда тизимлаштирилади, назарий таълим жараёнида эгаллаган кўникма ва малакалар эса, ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиб мустаҳкамланади.

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини кондировчи ишлаб чиқариш меҳнатига тайёрлашдан иборатдир. Меҳнат унумдорлиги аввало ўқувчиларнинг танланган касби бўйича ишга тайёргарлиги, шахсий тажрибасига боғлиқ. Шахс тажрибаси—бу унинг томонидан эгалланган билим, малака ва одатлар йигиндисидир. Умумий режада у киши маданиятини, касб фаолиятида тайёрланганлик даражасини белгилайди.

3.1. Касбий билимлар.

Автоматлашган билимлар—киши томонидан узлаштирилган тушунчалар тизими, ишлаб чиқариш вазифаларини онгли равишда бажариш учун зарур бўлган илмий—техник маълумотлар йигиндисидир.

Ўқувчилар билим жараёнида умумтаълим, техникавий, махсус технологик ва турли хил билим оладилар. Таълим жараёнида олинadиган билимларнинг умумий ҳажми ва сифатини назарий фанларнинг ўқув дастурлари, касбга оид билимларнинг ҳажми ва сифатини махсус фанлар бўйича квалитацион характеристикалари ва ўқув дастурлари белгилаш лозим. Билимлар асосида тафаккур ва хотира жараёнлари ётади. Билимлар шахснинг кизикишлари йуналишларига ҳам боғлиқ.

Аммо ўқувчилар билимидаги индивидуал фарклар ҳар бир ўқувчини нимага ургатганларига боғлиқ булади. Билимлардаги индивидуал фарклар ҳар томонлама баҳоланиши лозим. Амалда уларни мазмуни, изчиллиги ва мустаҳкамлигига кура баҳолаш қабул қилинган. Бундай баҳолаш тугри, лекин у барча зарур жиҳатларни қамраб ололмайди билимларнинг муҳим томони унинг кулланилувчанлигидир. Унга шаблонлик баъзан догматизм қуринишида намоён буладиган қур—қурона ёдлашга қарама—қарши қуйилади. Тушуниш эслаб қолиш уйғунлигини ва маълум факторлардан актив фойдаланишни тақозо қилувчи узлаштириш даражаси ҳам муҳим роль уйнайди.

Ишлаб чиқариш маҳоратининг навбатдаги шаклланиш босқичи малака ва кўникмаларнинг вужудга қелиши ҳисобланади.

Касбий малака ва кўникмалар.

Касбий билимларни эгаллаш, ишлаб чиқариш малака ва кўникмаларнинг шакллари—КХКда ўқувчиларнинг билим фаолиятларидаги узаро боглик компонентлардир. Бу муаммони хал килиниши ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасига куп жаражада богликдир.

Малака мақсадга йуналган фаолият жараёнида ундаги айрим ҳаракатларга махсус эътибор бермаган ҳолда, лекин онг назорати остида автоматик суратда бажариш қобилиятидир. Шу билан бирга бу ҳаракатлар машқ қилиш жараёнида шаклланган ва анча мураккаб ҳаракатлар структурасига қиради.

Фаолиятнинг айрим қисмларини автоматик равишда бажариш қобилияти турлича бўлиши мумкин, чунки кўникмалар сифати ҳам бир хил эмас. Кўникмалар шаклланган ва шаклланмаган, янги ва эски, оддий ва мураккаб, алоҳида ва комплекс бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш малакаларининг қуйидаги турлари маълум:

Ақлий малакалар – бу вазифаларни бажаришда мавжуд билим ҳамда тажрибаларни уйлаб турмасдан зудлик билан қўллай олиш, вазиятни фаҳмлаш (қайтиб олиш майдончасини чамалаш ва бурилиш чирокларини ёндириб, қайрилиб олишни амалга ошириш).

Сенсор малакалар – бу ерда сезги органлари фаолияти асосий роль уйнайди: (метални ташки қуринишига қараб сортини, машиналарнинг синган, бузилганлигини овозига қараб аниқлаш)

Двигателли (моторли) малакалар - ишлаб чиқариш таълими учун жуда хос бўлиб, ишлаб чиқариш таълимида ўқувчиларнинг узлашти-риши ва тайёргарлигини белгилайди, асосан қўллар ҳаракати билан, баъзан қўл, оёқ ва бутун тана ҳаракати билан боглик (руль чамбарагини бураш, илашиш муфталарини педалларини босиш, узатмалар дастасини узгартириш ва ҳоказоларда қўллар ва оёқлар ҳаракати).

Сенор двигателли малакалар - гидрок ва двигателли ҳаракатларни уз ичига олувчи малакалар. Бу типга машина ва қўлда бажарилиши керак

булган жараёнларни урганишда шаклланадиган купчилик кўникмалар киради.

Иродавий – интизом кўникмалари. Хар бир кўникма шаклланиш жараёнида қатор боскичларни босиб утади. Двигателли кўникмаларнинг куйидаги шаклланиш боскичларини куриб утамиз.

Биринчи – малакали фикрлашнинг бошланиши. Мақсадни аниқ тушуниш, аммо унга эришиш йулларини яхши тушунмаслик. Харакатни бажаришда купол хатолар.

Иккинчи – онгли, аммо эпсиз бажариш. Харакатни қандай бажаришни аниқ тушуниш, аммо уз диккатини қанча жамлашига қарамай ноаниқ буш бажариш, ортиқча харакатнинг купилиги, мақкур кўникмани ижобий тадбик этишнинг йуклиги.

Учинчи – малаканинг автоматлашиши. Харакатларни бушаштирилган эркин диккат вақтида борган сари сифатлироқ бажариш ва уни тақсимлаш имқониятининг мақжуд булиши ортиқча харакатларни бартақаф этиш: кўникмаларнинг ижобий тадбик этишнинг пайдо булиши.

Туртинчи – ута автоматлаштирилган кўникма. Бошка мураккаброқ бир харакатни бажариш воситаси булган харакатни аниқ, тежамли қатъий бажариш.

Кўникмаларнинг шаклланишига куйидаги факторлар таъсир курсатади:

1. Ўқувчиларни ютуқларга эришадиган қизиқишлари.
2. Уларда зарур билимларнинг мақжудлиги.
3. Инструкташнинг бошланишига қадар ва машқлар жараёнидаги самарадорлиги.
4. Машқлар жараёнида уз – узини назорат қилиш, уста бақосини уз вақтида булиши ва объективлиги.
5. Ўқувчилар фаолиятининг актив характери, улар активлигини оширувчи таълим методларини қўллаш.
6. Машқлар миқдори.

7. Кўникмаларнинг ривожланиш даражасига аниқлик, темп ва хоказолар жихатидан куйиладиган талаблар.
8. Кўникмаларнинг турли куриниши ва хусусиятлари.
9. Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари.

Малака – бу кишининг ишни яхши шароитда махсулдор, зарур сифатлар билан тегишли вақтда бажара олиш қобилиятидир.

Хар қандай малакабилим ҳамда кўникмаларни узига олиб мавжуд кўникма билимлар асосида шаклланади. Билим ва кўникмалар асосида малака таркиб топади.

Малакалар уз шаклланишида қатор боскичларни босиб утади:

Биринчи боскич – бошлангич кўникма.

Иккинчи боскич – етарли булмаган кўникмали фаолият.

Учинчи боскич – алоҳида умумий кўникма.

Туртинчи боскич – ута ривожланган кўникма.

Бешинчи боскич – махорат. Турли малакалардан ишончли ижодий равишда фойдаланиш.

4-§. Ишлаб – чиқариш таълими жараёнини режалаштириш.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнини режалаштириш муҳим педагогик ва ташкилий аҳамиятга эга бўлиб, КХКда ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш сифатини кутаришнинг зарур шартидир.

Режалаштириш:

- Ўқув жараёнини мақбул таъкил этиш учун зарур шароит яратиш, ўқув гуруҳларини ўқув режалари ва дастурларини уз вақтида ҳамда тулик бажаришларини таъминлаш, ишлаб чиқариш таълими устасига хар бир Машғулотга олдиндан пухта тайёргарлик куриш;
- Ўқув жихозлари, бинолари, ўқув хужаликларида эса ер участкалари ҳамда техникадан жуда тулик ва самарали фойдаланиш;

- Фанлараро боғланишлар ва назарий таълимнинг ишлаб чиқариш билан боғланишини урнатиш;
- Таълим сифатини, ўқувчиларнинг билимлари кўникма ва малакалари даражасини мунтазам равишда назорат қилиш.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнини режалаштириш учун қуйидагилар:

- А) Касбга доир ўқув ишлари рўйхати.
- Б) Гуруҳнинг ишлаб чиқариш режаси.
- В) Ишлаб чиқариш таълими жадваллари.
- Г) Ўқув – теңнологик харита.
- Д) Устанинг ўқув қуни учун иш режасини тузилади.

Касбга доир ўқув ишлари рўйхати.

Ишлаб чиқариш меҳнати асосида ўқувчиларга таълим бериш операция – комплекс тизимининг характерли белгиларидан биридир.

Рўйхатларда ўқувчилар ишлаб чиқариш таълими дастурида назарда тутилган касбий билимлар эгаллашлари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишлари учун ўқув устаҳонаси ёки ўқув даласида муайян касб юзасидан қандай ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажаришлари лозимлиги курсатиб қуйилади. Дастурнинг бирор мавзусини урганиш вақтида бажариладиган ўқув ишлаб чиқариш ишларининг аниқ объектларини КХКнинг узи мустақил равишда курсатиб қуяди.

Ўқув ишларини танлаш пайтида таълим амалиёти асосида ишлаб чиқилган қуйидаги талабларга асосланиши лозим:

- Ишлар уқитиш вазифаларига жавоб бериши керак яъни ўқувчилар уларни бажариш вақтида ўқув дастурининг тегишли мавзуларида назарда тутилган усулларни эгаллайдилар.
- Оддийдан мураккабга, осондан қийинга утишдек дидактик тамойилга, мавзу ва мавзучалар доирасида (бир мавзудан бошқа мавзуга утиш, ўқув топшириқларини аста секин мураккаблаштириб бориш) иш танлаш

тамойилига риоя қилиш; бу ўқувчиларга уз малакасини ошириш пайтида ортиб бораётган кийинчиликларни енгил имконини беради

Ишлаб чиқариш таълими усталари ўқув ишлари рўйхатларини катта уста раҳбарлигида ярим ўқув йиллиги учун тузадилар. Агар КХК да битта касбдан бир неча бир курсда гуруҳлар бўлса, ўқув ишларини рўйхатини тузиш энг тажрибали устага топширилади. Рўйхатларни ярим йиллик бошланишидан олдин метод кенгаши муҳокама қилишади, уни директор ёки ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор уринбосари тасдиқлайди.

Рўйхатга киритилган ҳамма ишлар учун тегишли техник ҳужжатлар, чизмалар, техник шароитлар, курсатмалар ёки технологик карталари, таълимнинг ҳар бир уқитиш даврига қўлланиладиган техник жараёнга мос бўлган вақт (ишлаб чиқариш) нормалари албатта ишлаб чиқилиши лозим.

Гуруҳга ишлаб чиқариш таълими бериш, режада ўқувчилар гуруҳи учун ўқув ишлаб чиқариш топшириқларининг аниқ мазмуни, уларни бажарилишидаги изчиллик белгилаб берилади. Режани гуруҳ ишлаб чиқариш таълими устаси катта уста раҳбарлигида ўқув режа, ишлаб чиқариш таълими дастури ва мазкур касб учун тузилган ишлар рўйхати асосида ишлаб чиқади. Режа бир ойга, баъзан эса ундан ҳам узокроқ муддатга мунжаллаб тузилади. Кишлоқ хўжалиги механизаторлари касбини ургатишда (кенг ихтисослиги трактор чи машинист, чорвачилик, сугориш ишлари механизаторлари ва бошқалар) ишлаб чиқариш амалиётини утказиш режаси тузилади.

КХКларда кишлоқ хўжалиги техникаларидан тажриба — амалий Машғулотларда трактор агрегатлари, комбайнлар ва бошқа машиналарда амалий Машғулот утказиш, шунингдек трактор, комбайн, автомобиль ҳайдашни назарда тутилган ҳамда касблар ургатиш пайтида ана шундай Машғулотлар утказиш режалари ва ҳар бир ўқув гуруҳи учун машина ҳайдашни яқка тартибда ургатиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Ўқув гуруҳларининг ўқувчилари ва усталари ана шундай режаларни тузадилар. Улар мукамал ўқув режаларига мос бўлиб, уларга машиналарда

амалга ошириладиган ишларнинг изчиллиги, кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши ва бошқа ишлар даврига тугри келиши назарда тутилади.

Машина хайдашни якка тартибда ургатиш жадваллари хар бир ўқувчига ўқув режада белгиланган соатларда машина хайдашни ургатиш имконини бериши лозим. Жадвал ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан тузилади ва ўқувчиларга маълум қилинади. Режа ёзилган коғознинг орқа томонига гуруҳнинг бир ойда қилган иши ҳақидаги ҳисобот маълумотларини жойлаштирган маъкул.

Ўқув масканларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини режалаштиришга қўйидагилар асос қилиб олинмоғи керак: ишлаб чиқариш таълими дастурлари таълим бериш жараёнида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиши мумкин бўлган ўқувчилар ўқув вақти фонди битта ўқувчини бир ой давомида ўқитишга ажратилган вақт фондидини гуруҳдаги ўқувчилар сонига қўпайтириш йўли билан аниқланади. Масалан, ўқув режасида сентябрь ойига (ўқув йилининг боши) ишлаб чиқариш таълими учун хар ҳафтада 3 кун, яъни бир ойда хар куни 6 соатдан 12 кун ажратилган. Бинобарин битта ўқувчи учун бир йиллик вақт фонди $6 \times 12 = 72$ соатни ташкил этади, 30 киши лик гуруҳ учун эса вақт фонди $72 \times 30 = 2160$ соатга тенг. Шунинг назарда тутиш керакки, (мастер) усталарнинг йўл – йурик бериш вақтлари, тайёргарлик машқларига кетадиган вақтлар (ўқувчилар тайёргарлик машқларини бажариш жараёнида дастлабки малакаларни ҳосил қиладилар, лекин ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этмайдилар) ўқув вақти фондига қиради.

Бир ўқувчининг бевосита ишлаб чиқариш фаолияти учун сарф қилинган вақт фонди қириш ва яқунловчи йўл – йуриқлар бериш вақтини ҳам меҳнат ҳаракатлари ва усулларини урганиш учун тайёргарлик машқларига сарфланадиган вақтни қиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Тайёргарлик машқларига сарфланадиган вақт мавзунинг мазмунига қараб аниқланади.

Машғулотларнинг ўқув вақтини бекор ўтқазмасдан, уюшқоқлик билан ўтқазилиши учун, хар бир ўқувчининг дастурда қўзда тутилган ҳамма

(операцияларни) машкларни бажаришда якунига етадиган методик жихатдан яхшилаб уйлаб олинган муайян навбатни белгилаш зарур.

Бу навбат чукур уйлаб олиниши лозим, чунки ўқувчиларга бир машкни ургатиш уларни бошқа машкларни узлаштиришга якинлаштиради.

Ўқувчиларга дастурдаги алохида мавзуларни ёки ишнинг хар хил турларини ургатиш навбатини режалаштириш вақтида гуруҳни бригадаларга ёки звеноларга булиб юборилади (маълум бир вақтгача) Бундай пайтларда ўқувчиларнинг иш уринларини узгартириш тақсимот жадвали тузилади.

Тақсимот жадваллари мавзулар мазмунига ва таълим беришни ташкил этиш шароитига караб турли формаларда булиши мумкин, бироқ бунда куйидаги талабларга риоя килиш мақсадга мувофикдир:

- Гуруҳ иши билан тулик таъминланган холда аъзоларининг сони бир хил булганзвенолар ёки гуруҳларга булинади;
- Иш уринларини узгартириш вақтларининг микдори бригадалар сонига тенг булиши лозим;
- График тузиладиган умумий вақт, бир марта иш уринларини узгартириш учун кетган вақтнинг бригадалар сонига купайтмасига тенг.

Ишлаб чиқариш таълими дарси самарадорлигини оширишнинг энг мухим усулларида бири ўқувчиларга ёзма (инструктаж) йул – йурик бериш хисобланади. Ёзма йул – йурик бу ўқувчиларга машк ёки ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришларида зарур буладиган маълумот ва курсатмаларни уз ичига олувчи курсатмали – методик хужжатлар ёрдамида йул йурик беришдир.

Курсатма ва курсатмали – технологик хариталар, шунингдек турли хилдаги курсатмали эсталиклар ёзма йул – йурик утказишнинг асосий воситалари хисобланади.

Бу ўқув технологик хариталар бажарилаётган топшириқларнинг мазмуни, характери, унга куйиладиган талаблар, материаллар, асбоб – ускуналар, жихозлар, машиналар ва тракторларда бажариладиган машклар мазмуни ҳамда уларнинг изчиллиги, шунингдек меҳнатни ташкил килиш усули ва йул

кўйилиши мумкин булган хато ва камчиликлар, уларни бартараф қилиш усуллари ҳақидаги маълумотларни (қиска шаклда) уз ичига оади.

Плакатлар, чизмалар ва бошқа курсатмали қуроллар билан бир қаторда курсатмали ўқув хариталар ўқувчилар билан ёзма йул – йурик утказиш имконини беради. Ўқув курсатмали хариталар мавжуд булса, қўп нарсалар ўқувчиларга тушунтиришларсиз ҳам аён булади. Шунинг учун уста уларнинг айрим машқларни бажаришларига, ишнинг энг янги усуллари тугри қўллаётганликларига, хавфсизлик техникалари қоидаларига риоя қилишларига қўпроқ эътибор бера олади. Курсатмали хариталар бундан ташқари ўқувчиларни керакли асбоб, мослама, жихоз, машина ва тракторларни қўллаб ишни маълум изчилликда муваффақият билан бажаришга одатлантиради.

№	Бажариладиган иш тури	Ишни бажариш тартиби	ўз - ўзини текшириш	Эскиз

1-расм. Ўқув технологик харитани тузилиши.

Ўқувчиларга таълим беришда ўқув устаси Машғулотлар режасини тузади. Ўқувчиларни ўқув устахоналарида ўқитишда ҚХҚда марказий ўқув методика хонаси тавсия этган уста дарслари режасини тахминий режасини келтиради:

1. Машғулотнинг мавзуси.
2. Машғулотнинг мақсади.

3. Ўқитиш ишлари олиб бориладиган иш жойлари.
4. Трактор, агрегат, асбоблар ҳамда зарур технологик хужжатлар.
5. Кириш йўл – йўриқнинг мазмуни, ўтказилиш жойи ва вақти. Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш тадбирлари.
6. Ўқувчиларни иш жойлари бўйича тақсимлаш, ўқувчиларга бериладиган топшириқларни аниқлаш, вақт (бажариш вақтини) ни белгилаш. Ўқувчиларнинг иш жойларини ўзгартириш жадвалини тузиш.
7. Жорий йўл йўриқнинг асосий вазиятлари ва Машғулотнинг тарбиявий вазифаларини белгилаш.
8. Ўқувчилар бажарган ишларни қабул қилиш, таҳлил этиш ва баҳолаш вақти.
9. Якунловчи йўл – йўриқ.
10. Машғулот режаларини бажарилиши ҳақида баҳо. Ишлаб чиқариш амалиёти давридаги дарс режасини тузишда уста ўқувчиларга янги техникани, ишлаб чиқариш илгорларининг тажрибасини ўргатишга уларни мустақил бажаришларига алоҳида эътибор беради.

Йигма – мавзувий режалаштиришнинг моҳияти шундаки, унда ишлаб чиқариш таълими дастурининг ҳар бир мавзуси бўйича ўқув жараёнидаги методик ва моддий – техникавий тайёргарликни ўз ичига олувчи режа олдиндан тузилади. Режада ўқув материални дарсларга тақсимлаш Машғулотларни ўтказиш методикаси, ўқув жараёнини моддий – техника жихатдан таъминланиши назарда тутилади. Бу ўқув вақтининг йукотилишини камайтиришга имкон беради.

Ленинград шаҳар ҳунар мактабида қабул қилинган қуйидаги йигма – мавзувий режа тузилишидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

Ўрганиш учун ажратилган мавзулар номи ва соатлар миқдори.

Мавзунинг ўқув мақсади яъни ўқувчи мавзунини ўрганиш вақтида қандай билим ва қўникмаларни эгаллаш керак.

Мавзуни урганишга ажратилган вақтни таксимлаш. Бу вақт йул – йурик утказиш, машқлар бажариш ва ишлаб чиқариш фаолиятига сарфланадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда таксимланади.

Мавзучалар ва уларни урганишга сарфланадиган вақт (материалнинг мазмуни ва ҳажмига кура).

Ҳар бир дарснинг мавзулари.

Дарснинг ўқув мақсади. Урганиладиган иш усуллари ёхуд мазкур дарсда такомиллаштириладиган ёки мустаҳкамланадиган усул ва малакалар.

Амалий ишда мустаҳкамланиши зарур бўлган махсус фанларнинг материаллари.

Ўқувчиларнинг муваққил ишлари ва улар бажарадиган машқлар.

Ўқув ишлаб чиқариш ишлари (ишлар рўйхати бўйича).

Мосламалар, жиҳозлар, агрегатлар, асбоблар, техникалардан зарур бўлганларига алоҳида аҳамият бериш зарур.

11.(ишга) Машқларга қўйиладиган ўқув – техникавий талаблар (машқларни ҳар бир элементини, техникани созлагини таъминлашга қаратилган аниқ ҳаракатлар даражаси ва бошқалар).

12.Илғор ишлаб чиқариш тажрибасини урганиш (янги замонавий тараккийлашган техника, КХМлар, асбоблар, жиҳозлар билан ишлаш.

13.Техникавий ҳужжатлар ва кургазмавийлик воситалар (чизмалар, плакатлар курсатмали технологик хариталар, маълумот берувчи жадваллар).

14.Устанинг мавзуни урганиш учун назарий ва амалий жиҳатидан тайёрланиши.

15.Ўз – ўзини назорат қилиш усулларини танлаш (мавзунинг ҳар бир дарси учун режалаштирилади). Топширикни бажаришда ўқувчилар йул қўйган типик ҳатолар ҳақида сузлаб бериш.

16.Ҳавфсизлик техникаси талаблари (санаб утилади).

17.Уй вазифалари (технологик харита ва чизмаларни тузиш, ишлаб чиқаришга тааллуқли масалаларни ечиш, махсус технология курсларнинг

мураккаб билимларини такрорлаш, ишни бажаришда кулланилади ган асбоб, жихозларни баён килиш.

18. Ўқув адабиётлари (дарсликлар, мето дик кулланмалар)

Йигма мавзувий режалаштириш устанинг навбатдаги дарсларга тайёргарлик куришдаги ишини маълум даражада енгиллаштиради. У методик саволларга ва утган дарсларнинг анализига кўпроқ эътибор бера олади.

4-§. Ўқув устахоналарида ўкитиш.

Ишлаб чиқариш таълимининг моддий – техника базаси яхши ташкил этилган такдирдагина сифат жихатидан кунгилдагидай малакали ишчилар тайёрлаш имконияти тугилади.

Ишлаб чиқариш шароитларида ўкитишнинг бошлангич даври учун жуда мухим хисобланган устанинг ўқувчилар гуруҳи билан бир вақтда ишларни таъминловчи меъёрли ўқув жараёнини ташкил этиш жуда кийин, баъзан эса иконият хам булмайти.

КХКларнинг узида хам корхона цехларида, жамоа хужаликларида хам яхши жихозланган устахона, ўқув майдончалар ва ўқув далалари албатта ташкил килиниши назарда тутилади. Ўқувчилар бу ерда иш урнини ташкил кила билиш малакаларини эгаллайдилар, ишни бажариш учун зарур буладиган механизмлар, жихозлар, асбоб – ускуналар билан танишадилар, операциялар ва ишлар мажмуаси технологик тартибда бажаришнинг меҳнат усулларини ишлаб чиқаришмаданиятини эгаллайдилар, ўқув вақтидан унумли фойдаланишни, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш ва технологик интизом талабларига риоя килишни урганадилар.

Ўқув устахоналарини мавжудлиги ўқувчиларни фронтал ўкитиш учун зарур шароитлар яратади, назарий Машғулотларни ишлаб чиқариш таълими билан рационал равишда алмашлаб туриш имконини беради, материалларни дастурга мувофиқ изчил урганишни таъминлайди.

Ўқув устахоналари, майдончалари, булимлари ўқув даласини режалаштириш, жихозлаш нуктаи назаридан таълим – тарбия мақсадларига, ишлаб – чиқариш таълими форма ҳамда методларига мувофиқ булиши ишлаб чиқариш таълими устаси ва ўқувчиларни ишлашлари учункулай шароит яратишга, таълим – тарбиявий иш жараёнида уста ва ўқувчилар жуда кам вақт сарфлаганлари ҳолда энг юқори самарадорликка эришишларига, халқ хўжалиги учун малакали ишчилар тайёрлаш сифатини янада яхшилашга имкон беради.

Ўқув устахоналари ўқув майдончаларини ташкил қилиш, уларни жихозлаш ва режани тузиш ўқув масканини тузиш ўқув масканининг тури, тайёланадиган касбларнинг тавсифи ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш таълими мақсадларига фойдаланиладиган ўқув устахоналари ва ёрдамчи хизмат бинолари пухта уйлаб жойлаш-тирилиши ҳамда ўқув ва технологик талабларга тула жавоб бериши керак, ўқув ишлаб чиқариш устахоналарининг гуруҳи ҳамда майдони саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо ва коммунал – маиший хизмат курсатишнинг тегишли соҳала-рини лойиҳалаштиришнинг технологик меъёрларига шунингдек, қурилиш, меъёр ва қоидаларига жавоб бериши керак.

Устахоналар одатда биринчи қаватда жойлаштирилади. Устахона учун ажратиладиган майдон келажакда устахона қенгайиши мумкинлиги назарда тутилган ҳолда режалаштирилади. Шовқин берадиган жихозлар алоҳида назарий билим бериш жойидан узоқроққа жойлаштириш керак.

Ўқув устахоналаридаги ҳавонинг ҳарорати қишда 15^0-16^0 паст бўлмаслиги ёзда 20^0 ошмаслиги керак. Бундай ҳарорат ишлаш учун яхши имкониятни таъминлайди.

Устахонани сунъий ҳаво алмаштиргич орқали ҳаво билан таъминланади. Устахона поли илик, юзаси тозалаш учун қулай, сирпанмайдиган бўлади.

Деворлари силлиқ бўлиши керак. Деворлар очик рангга, шип эса бинони яхши ёритиш учун ок рангга буялади.

Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ва булимларининг майдон ҳамда санитария техника меъёрлари ўқув масканида ургатиладиган касб (токорлар, чилангарлар, механизаторлар ва х.к.з) га караб меъёрлар билан белгиланади. Ўқув устахоналарини режасини тузишда қуйиладиган умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув устахоналари Машғулотларни ишлаб чиқариш таълими дастурига мувофиқ утказишга мослаштирилган ва операцион комплекс тизимга мувофиқ бўлиши керак.
2. Хар бир булим майдони ва асбоб ускуналари микдорига кура ҳамда бериладиган касбга мувофиқ 25 – 30 ёки 12 – 15 кишилик ўқувчиларни бир вақтда уқитишга мунжалланади.
3. Устахоналар умумгуруҳ (фронтал) уқитишга мосланган бўлиши керак.
4. Участкаларни бир – биридан тусиклар билан ажратиш керак
5. Касбларга хос булган асбоб ва материаллар сақланадиган омборхона, механика булими ва хоказолар ташкил қилинади.
6. Бир – бирига боғлиқ иш бажарадиган булимлар бир – бирига яқин жойлаштирилади.
7. Силлиқлайдиган, жилвирлайдиган ва чархлайдиган станоклар алохида биноларга урнатилади, буни имкони бўлмаса хавони алмаштириш учун хаво тозалагич урнатилади.
8. Иш вақтида газ, чанг ёки кучли шовкин чиқадиган, травматизм хавфи булган булимлар (темирчилик қуймакорлик, қолиплаш, пайвандлаш, ёғочга ишлов берадиган, куч қурилмалари ва хоказо) тулик (изоляция) ажратилади.
9. Ўқув ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати билан курсатмали харита, давлат андозаси ГОСТлар билан таъминланади.
10. Деворнинг бир томонига урнак курсатган ўқувчилар фамилиялари ва суратлари урнатилади.

11. Устахонани куринадиган жойига биринчи ёрдам курсатиш учун дори солинган аптечка ва кайнатиб совутилган сувли бак куйилади.
12. Ўқувчилар иш уринларида алохида асбоблар комплекти ва тозалаш учун супурги, курак, илгаклар булиши керак.
13. Ёнгинга карши зарурий жихозлар булиши шарт.

Ўқув устахоналарини жихозлаш.

Ўқув устахоналари ўқувчилар ишлаб чиқариш таълими дастури талабларига мувофик топширикларни бажаришлари учун зарур буладиган, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган якка ва оммавий фойдаланишга мулдалланган асосий ҳамда ёрдамчи ўқув ишлаб чиқариш асбоб – ускуналари билан жихозланади.

Ўқувчиларнинг якка тартибда фойдаланадиган асосий ўқув ишлаб чиқариш асбоб – ускуналари қуйидагилардир: хизмат курсатиш, текшириш устахоналари учун ёнилги насосларини текшириш стенди, форсункаларни текшириш стенди ва бошқалар, чилангарлик устахоналари учун чилангарлик тискиси урнатилган дастгоҳ ва шу кабилар.

Умумий фойдаланишга мулжалланган ёрдамчи ўқув ишлаб чиқариш асбоб – ускуналари, пармалаш ва чархлаш станоклари, режалаш ва тугрилаш плиткаларидан иборат.

Ўқув ишлаб чиқариш асбоб – ускуналари, шунингдек механизация воситалари ҳозирги замон техникаси талабларига жавоб бериши ва ўқувчиларга ўқув дастуридаги барча мавзуларни урганиш имкониятини яратиши керак.

Якка тартибда фойдаланишга мулжалланган асосий ўқув ишлаб чиқариш асбоб – ускуналарининг миқдори ўқувчиларнинг қупи билан икки сменада ишлашларини назарда тутиб белгиланади. Ҳар бир касб учун алохида, керакли асбоб – ускуналар билан жихозланган иш урни булиши шарт.

Шундай қилиб ишлаб чиқариш билан назарий уқитиш кун ора алмашилиб турганда бир сменали иш кунида бир ўқувчи урнида икки ўқувчи ишлаши мумкин.

Умумий фойдаланишга мулжалланган асбоб – ускуналарнинг тури ва таркиби ўқув дастурининг талаби ҳамда ўқув устахоналарида бажариладиган ишнинг характерига кура аникланади.

Жихозларни ўқув устахоналарига жойлаштириш

Жихозларни ўқув устахоналарига жойлаштириш куйидаги имкониятларни яратади:

1. Устага уз иш урнида туриб ўқувчилар гуруҳига йул йурик бериш имкониятини.
2. Ўқувчиларнинг ишлашлари учун энг кулай ва хавфсиз шароитни.
Ишлаш ва таъмирлаш вақтида, шунингдек материаллар, деталлар, чикиндиларни ташишда хар томондан келишнинг кулайлиги.

Хулоса.

Ҳозирда ўқитувчиларнинг юқори касбий тайёргарликка, педагогик маҳоратга, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, мафкура борасида чуқур билимларга эга бўлиши, таълим-тарбия ишларида замонавий педагогик технологиялар, усуллардан самарали фойдаланиши давр талаби ҳисобланади.

Ушбу курс ишида келтирилган ўқитишнинг янги педагогик технологиялари асосида ўқувчиларнинг касбга ижодий ёндошуви изланишлар олиб бораётган мутахассисларнинг билимларини оширишга йўналтирилган. Бу маълумотлар билан танишиш натижасида замонавий педагогик технологиялар узлуксиз ривожланиб, ўзгариб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир педагог ходим бу соҳадаги ўз назарий билимларини ҳамда касбий педагогик маҳоратини мунтазам ошириб бориши зарур ҳисобланади.

Бунинг учун педагогик технологияларга доир назарий масалалар бўйича мавжуд адабиётлар, тавсиялар, ўз фанини ўқитишнинг илғор интерфаол технологиялари, таълим-тарбия сифати на самарадорлигини ошириш бўйича сўнгги маълумотлар билан танишиб бориш лозим.

Шу билан бирга, ўз касбий педагогик маҳоратини ошириб бориш, бунинг учун замонавий педагогик технологияларнинг педагогик, психологик ва бошқа жиҳатларини пухта ўрганишга ҳаракат қилиш, ўзи ишлаб турган мактаб, касб-ҳунар коллежи муҳити ва истиқболларига энг мувофиқ бўлган педагогик технологияларни тўғри танлай олиш зарур.

Бундан барча таълим муассасалари ва педагог ходимлар шу вақтгача қўллаб, юқори самараларга эришиб келаётган ўзларига хос таълим-тарбия методлари, шаклларидан воз кечишлари ва фақат қайсидир педагогик технология турини қўллашга ўтишлари керак экан, деган хулосага келмасликлари лозим.

Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики яъни билимларни бериш назарий дарсини дастлабки 20 дақиқасида амалга

ошириш кейин эса бахс мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа каби ноанъанавий методларни амалга ошириб ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш керак. Ҳар қандай қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида масалан, фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак, чунки ўрганишнинг даслабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди. Бу ҳамма таклифлар ўқувчилар диққатини узоқроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қилади. Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналларидан фойдаланилса эса олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат маърузалар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25% ни эса сақлаш мумкин. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш) намойиш ва кўргазмали қилиш, (кўриш, ушлаб кўриш ва шу қабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида бахслашса унда 3 кундан сўнг 75% ни эса тушириши мумкин. Агар билимларни идрок қилишда бир неча синсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади. Бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Ўқув вазиятини тайёрлашда ноанъанавий методлар ва аудио-визуал воситаларини самарали ишлатиш лозим. Бунда бирданига кўпгина сенсорик каналлар жалб этилади.

2. Ўқув материали тўғрисида бахслашишга доим имкон беради. Ўқув суҳбатлар гуруҳий бахс мунозаралар тавсия этилади, чунки бу методлар ўқувчини фаолликка чақиради. Ўқитиш методларини танлашда унинг самарадорлигини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ноанъанавий методлар қўлланилганда ўқувчиларнинг ахборотини эслаб қолиш хусусиятини энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса ўқувчиларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада кўтарила боради.

Бажарилган курс ишимизда келтирилган ўқитишнинг янги педагогик технологиялари асосида ўқувчиларнинг касбга ижодий ёндошувини амалда бўйича қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Замонавий педагогик инновацион технологияларни оқилона амалда қўллаш талабаларга мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда ҳаётда учрайдиган турли хил вазиятлардан оқилона чиқа олиш, муаммоларни еча олишга ёрдам беради;

2. Замонавий педагогик инновацион технологияларни амалда қўллаш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўрганиш, ўзлаштириш бўйича қийин меҳнатига раҳбарлик қилиш, уларга қулай, осон, мақсадга тез етказадиган ва самарали йўл-йўриқлар, усулларни тўғри танлаб кўрсатиш ва амалда самарали қўллаш орқали ўз педагогик маҳоратини ҳамда ўқувчиларнинг билимлари сифати ва тарбияланганлик даражасини мунтазам ошириб боришга эришиш имкониятини беради;

3. Педагог ходимларнинг ўз назарий билимларини ҳамда касбий педагогик маҳоратини мунтазам ошириб бориши имкониятлари яратилади.

4. Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таминлаш учун шарт-шароитларни яратиб беради.

Хулоса қилиб айтганимизда, курс иши натижаларидан касб-хунар коллежларининг касб таълими ўқитувчилари ва усталари ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари, 5140900- Касб таълими: кимёвий технология таълими йўналишида таҳсил олаётган талабалар, шунингдек шу йўналишда илмий тадқиқот олиб бораётган ходимлар амалда фойдаланишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008.
2. Каримов И.А. БарКамолиддин авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ», 1997.
3. Азизхўжаева Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: 2003.
4. Ахлидинов Р. Мактабни бошқариш санъати. Т. «Фан», 2006.
5. Ишмухаммедов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: Истеъдод, 2008.- 180 б.
6. Ишмухаммедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йуллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
7. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 2004.
8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т., Шарқ. 1997.
9. Мирсаидов К. «Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими». Т.: «Ўқитувчи», 1996.
10. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар туплами: Ғуломов С.С. таҳрири остида; Тузувчилар: Аюпов Ш.А, Рахимов Б.Х. ва бошқ.Т: «Шарқ», 2003.- 752б.

Интернет материаллари:

[www. Google. uz.](http://www.Google.uz)

[www. Ilm. uz.](http://www. Ilm. uz)

[www. Ziyonet.uz.](http://www. Ziyonet.uz)